

ГУМОН

БИР ПАРДА, ИККИ ҚҮРИНИШЛИ КОМЕДИЯ

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

Раъно.

Хажал. Раънонинг онаси.

Собир Мадмудов. Раънонинг отаси.

Шуҳрат.

Зулфия. } Студентлар.

Қахрамон.

Хусанота. Совхоз тарозбони.

Воқиа шу кунларда ўтаси.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КҮРИНИШ

Явги солинган участканинг бир қисми. Тўғрида уйнинг деразаси. Унга шоҳи пардалар тутилган. Чап томонда ҳавас билан ишланган ёғоч каравот. Раъно чамадонга кийим-бошларини жойламоқда. У дамба-дам бурнини тортиб, кафтининг орқаси билан кўз ёшлиарини артиб қўяди. Уйнинг деразаси бирдан очилиб, ранги ўчган

Хажал кўринади.

Хажал (*жаҳл билан*). Ҳай, менга қара. Рангингни кўр! Ҳали ҳам ўзингга келганинг йўқ. У ерга боргандা узилиб қолсанг нима бўлади? У ерда сенинг ҳолингдан хабар олиб турадиган онанг йўқ-ку!

Раъно. Ойижон, тушунсангизчи...

Хажал. Ҳай, битта сен бормасанг, пахта плани бажарилмай қоладими? Ахир, Саврихоннинг қизи, нариги маҳалладаги раиснинг ўғли ҳам бултур бормади-ку. Нима, мактабдаҳ ҳайдадими? Ҳеч нарса қилгани йўқ. Мундоқ, ўйлаб кўр. Ахир онангман-а? Қайси она ўз боласига ёмонликни раво кўради?

Раъно. Ойижон, мен комсомолман, ахир.

Хажал. Комсомолинг ҳам онасининг сўзини қайтарсин демагандир-ку! Жуда бўлмаса, онам касал деясан-қўясан!

Раъно. Ойижон, ўртоғим Зулфиянинг ойи-

си касалхонада ётибди. Шунга қарамай, у ҳам кетяпти.

Хажал. Шу иши яхшими, а? Онасига қарамай ташлаб кетиши яхшими?

Раъно. Э, ойижон, нега тушунмайсиз? Касалхонада докторлар, ҳамишалар сиз-биздан кўра яхши қарашади. Шуни баҳона қилиб бормаса бўладими?

Хажал (жеркиб). Бор, боравер! Сен, ўзингдан-ўзинг катта бўлиб қолгансан! Сенга на ота ва на она керак. Сен ўзинг ота, ўзинг онасан! Нега тилинг бурро бўлиб қолди десам, чиллаки чиллакини кўриб чумак урган экан-да. Ҳали Зулфиядан ўргандим дегин?

Раъно. Ойижон, мен ёш бола эмасман.

Хажал (кесатиб). Биламан, ёш бола эмассан. Ҳа, ҳамма нарсага ақлинг етади. Ҳа, онангга ҳам ақл ўргатасан.

Раъно. Ойижон...

Хажал (*Раънонинг сўзини бўлиб*). Бор дедим-ку, боравер! Ҳаммасига отанг айборд. Мен нодон бўлмасам, отангнинг сўзига кириб, бўлиб турган тўйни тўхтатиб ўтирамани? Институтга кирмасингдан олдин узатиб юборишим керак эди. (*Қозиқдаги пальтони олиб Раънога жаҳл билан улоқтиради.*) Ўз билганингдан қолма! Бор!

Тез-тез юриб чиқиб кетади. Раъно ердаги пальтони олиб, тупроқларини қоқади ва уни каравотнинг панжрасига кўяди.

Раъно. Уф... Ойим, нега энди... Бу йил бирданига ўзгариб қолди. Ҳеч нарсага тушунмайман. Институтимиздаги болаларнинг ҳаммаси кетаётган бўлса-ю, мен қолар эмишман. Қанақа баҳона топаман? Эҳ, ойи, ойи...

Бошини пальтога қўйиб йиғлайди. Ташқаридан „Раъно-хон, тайёрмисиз?“ деган Шухратнинг овози эшитилади.

Раъно (бирдан овоз келган томонга қараб). Мана ҳозир!

Бир қоп нарсани солдағасига орқалаб, қўлида овқатликлар кўтариб олган Шуҳрат қиради. Раъно ундан кўз ёнларини яширади.

Шуҳрат. Зулфия, келдими?

Раъно (майъс). Йўқ.

Шуҳрат. Раънохон, тузлик халта бўйинга тушса, шунақа бўлар экан-да. Қанча магазинларни айлануб, тамомий буюрганларини олиб келсан-у, ҳали ҳам келмабдилар-да. Ҳа, майли келиб қоларлар.

Юкларини қўя бошлайди. Уни кўрган Раъно Шухратнинг ёнига бориб, қолини туширишга ёрдам беради.

Шу пайт дераза олдидা Хажал пайдо бўлади.

Шуҳрат. Раҳмат, Раънохон, раҳмат. Айтмоқчи, Раънохон Қозогистонга фалла йиғимиға кетган институтимизнинг студентлари тўғрисидаги гапни эшитдингизми?

Раъно. Йўқ.

Ўзига тикилиб қараган Шухратдан қизарган кўзларини яшириш учун ботинкасининг ипини ечиб, қайтадан боғлайди.

Нима бўпти?

Шуҳрат. Мана, ҳозир... (*Қўйнидан „Ёшлиничи“ газетасини олиб раънога узатади.*) Қойил қилишибди, азаматлар. Буни қаранг-а!

Раъно газетани Шухратдан олади. Уни тез очиб, юзини Шухратдан яширади. Шуҳрат Раънонинг ёнига ўтиб газетадаги суратларни кўрсатади. Хажал буларни тинглайди.

Хажал (ўзича). Малоҳатхон опам балони билар экан. „Қиз бола деганин ўз ҳолига қўйма, ўнинчини битирдими, дарров гумдон қил!“ деган эди-я.

Шуҳрат. Буни танияпсизми? Саодат опа. Мана буниси, Ровза Каримова... Ивановани кўринг. Семириб кетганини қаранг. Ҳавоси тоза ҳам ёқибди-да. Булар институтимизнинг донгини Қозоғистонга ҳам чиқариб келишди. ЦК комсомол буларни Фахрий ёрлиқ билан мукофотлабди. Эҳ, кўнмадинглар-да! Бўлмаса, бизлар ҳам шулар билан бирга Қозоғистонга кетган бўлар эдик.

Хажал (ўзича). Қозоғистонга?! Вой ўл-масам, ҳали қизимни Қозоғистонга олиб кетмоқчими?

Шуҳрат. Мана ҳамма ерда ёшлар коммунистик бригада тузмоқдалар. Завод, фабрика, колхоз ва совхозларнинг, ҳатто, энг кичкина бир артелнинг ёшларини айтинг, ажойиб ишларни қиляптилар. Биз заводда, колхозда ёки артелда эмасмиз. Биз студентмиз. Биз қандай иш қилишимиз мумкин? (ўйлайди) Раънохон, пахта тергани кетяпмиз-а? Ана шу ерда, бир иш кўрсатмаймизми? А, нима дейсиз, Раънохон?

Раъно (маъюс). Ҳа, албатта, кўрсатишмиз керак.

Хажал (ўзича). Сув илондек авраб, тозаян бошини гангитяпти-ку!

Шуҳрат. Ҳа, Раънохон, нега маъюссиз?

Раъно. Нега маъюс бўламан. (Уялиб ерга қарайди.)

Шуҳрат. Сизга нима бўлди? (Раънога тикилади.)

Раъно. Ҳеч нима. Пальтомнинг енги тегиб кетди. (Кулимсираб.) Нима? Қизарибдими?

Шуҳрат. Мен, йиғлабсизми, деб ўйлабман.

Раъно (уялиб). Нега йиғлайман?

Шуҳрат (ҳазил аралаш паст овозда, хиргойи қиласи).

Кўрдим, кўрдим нани кўрдим ёр-еъ,
Кошлари қарони кўрдим,
Йиғлаган Раънони кўрдим.
Бизнинг Раъно боғда кезар,
Теримда ҳаммадан ўзар.
Хафа бўлмай, кўнглин ёзар,
Мен шу гул Раънони кўрдим.

Раъно жилмаяди.

Кўрдим, кўрдим нани кўрдим ёр-еъ.
Кўзи қизарганни кўрдим,
Юзи қизарганни кўрдим.

Хажал. Ҳа қизимнинг юраги нега такапука бўлаяпти десам, ҳамма гап бу ёқда эканда.

Шуҳрат

Лай-лала-лай-лай-лало-ло
Лай-лала-лай-лай-лало-ло... (Уйнайди.)

Хажал. Ҳо, лайли-лоси ҳам бошланди-ку! (Супурги кўтариб, газаб билан уйдан югуриб чиқади.) Ҳой, лай-ло-ло!

Шуҳрат Хажални кўргач, ҳайрон бўлиб қолади.

Ҳа, ўзи нима гап?

Шұхрат. Ассалому алайкум, холажон...
Хажал (*кесатиб*). Келинг, йигитча.

Шұхрат. Ҳалиги, ҳа пахтага...

Хажал. Нахтага? Пахта тергани бизнинг
үйга келдіңтізми?

Шұхрат. Ҳа, ҳалиги... Биз шу ерда йи-
ғилмоқчи әдик...

Хажал. А? Пахта тергани-я?

Шұхрат. Ҳа, холажон. Машина бизни
шу ердан олиб кетади.

Хажал (*кесатиб*). Ҳм, шунга тайёргар-
лик күраяпман деңг?

Шұхрат. Ҳа, холажон, сиз қызингиздан
хотиржам бўлинг, кўнглингиз тўқ бўлсин,
қызингизга ўзимиз яхшилаб қараймиз.

Хажал (*Раънога*). Ҳм, ҳали ҳам кўнглим
жуда тўқ. Ҳой, қызим, мен билмай юрган
эканман. Ота-онангдан ҳам афзал меҳрибон-
ларинг чиқиб қолибди-ку? Вой жонкуярлар-э?
Ҳой йигитча. (*Раънони кўрсатиб*.) Бу, сиз
термоқчи бўлган пахта эмас!

Шұхрат. Э, холажон бу нима дегани-
нгиз?

Хажал. Мени хола дема, мен сенинг
холанг эмасман!

Раъно. Ойижон!

Хажал. Гапирма! (*Шұхратгá*.) Ҳой, ўша
катталарингга айт.

Маҳмудов киради. У жанжалдан ҳайрон.

Эпласа пахта эксин! Уддасидан чиқмаса,
нега пахта экади? Экишга келганда, маши-
нада экади-да, теришга қолганда, бизга ёпи-
шиб олади. Кучингга қараб эк! Бунинг усти-

га бўйиң етиб қолган қизларни юборгани ний-
маси? Йўқ қизимни қўшиб юбориб бўлман? Бормайди, дедим бормайди! Қаердан келган
бўлсанг, ўша ёққа жўна!

Раъно. Ойи!

Маҳмудов. Ҳа онаси, бунаقا пахтага
чиқишилари ғанимат. Кейин юз минг ёлвор-
санг ҳам, пахта тергани чиқолмайди. Пахта
машинанинг ўзидан ҳам ортмайди.

Хажал. Қани айтганингиз бўлса, жон-
кошкийди-я!

Маҳмудов. Ернинг сунъий йўлдошлари-
ни чиқарган одамларга пахта терадиган яҳши
машина чиқариш нима деган нарса. Ҳўш,
ўзи нима гап?

Хажал (*бирдан иғлаб*). Бормисиз, да-
даси? (*Раънони кўрсатиб*.) Мана, суюгиниз
пахтага кетяптилар.

Маҳмудов. Пахтага борса яхши. Жу-
да яхши.

Хажал. Нима-нимади?

Маҳмудов. Ҳа. Келаси ҳафта биз ҳам
кетамиз. Бу кўпга келган тўй.

Хажал. Кўпга келган тўй! Ҳм, кўпга
келган тўй эмиш! Бултур Рихси полвоннинг
ўғли бориб қасал бўлиб келди. Бечора Қум-
рихоннинг қизи гап-сўз бўлиб келди. Яна
тўйингиз чиқиб ўтирасин!

Маҳмудов. Гап-сўз бўладиган одам
шу ерда ҳам бўлаверади. Ҳаммаси боланинг
ўзига боғлиқ. Ҳаммани алдаб пахтадан қочиб
келган полвоннинг ўғлини дастак қиляпсанми?
Қасал одам бозорма-бозор, кинома-кино ке-
зизиб юрадими? (*Болаларга*.) Ҳафа бўлмайсиз-
лар. Бир-иккита шунақалар тўпланса, теска-

ри ташвиқотчининг кераги йўқ. (*Кулади. У, пиджагини ечиб, хотинига узатади.*)

Хажал. Ҳм, тўғри ташвиқотчи, ташвиқот қилинг, ташвиқот! (*Хажал зарда билан пиджакни олиб, хўмрайганчча ичкарига кириб кетади.*)

Раъно. Дада... (*Маҳмудовга ташланади.*)

Маҳмудов. Бўлди-бўлди, йиглама қизим. Институтда ўқийдиган қиз ҳам йиглийдими?

Раъно. Ахир, ойим...

Маҳмудов (*Раъононинг сўзини бўлиб*). Қизиқ. Кап-кatta қиз, тушунмаган она-нинг гапидан хафа бўлиб, йиғлаб ўтиrsa. Бўлажак педагог... Заиф бир аёлнинг тушунчасида ўзгариш ясолмаса. Ҳақиқий, ҳаёт ҳақида тўғри тушунчалар беролмаса. Қўй-э, қизим. Икки киши ҳам „атака“ қиломадингларми? (*Шуҳратга қарайди.*)

Шуҳрат (*кулиб*). Яхши ҳам ўзингиз келиб қолдингиз. Тажриба йўқ, амаки. Ёшмиз-да, ёш.

Ховлиқиб Зулфия киради.

Зулфия. Тайёрмисизлар? Ия, салом, амаки.

Маҳмудов. Салом, салом.

Шуҳрат (*Зулфияга*). Хўш ойим тузукмилар?

Зулфия. Анча дурустлар. „Менинг учун ҳам териб келинглар“ дедилар. Ия, Раъно-хон ҳали ҳам отланмадингизми?

Раъно. Ҳозир.

Раъно отасига қарайди.

Маҳмудов. Нарсаларинг тайёрми? Исиқроқ кийим ол, қизим.

Ичкаридан ўқдай отилиб Хажал чиқади.

Хажал. Нима деяпсиз? Қаёқса боради? Маҳмудов. Ҳай, эсингни йиғ, хотин.

Хажал. Менинг эсим жойида. Не умидда қиз ўстирганман. Ҳай, дадаси, уялмайсизми? Ахир қиз бола-я! Зомин бўласиз!

Маҳмудов. Бақирма! Уят бўлади! Қани, Раънохон, бўла қол! (*Зулфияга*.) Қизим, ўртоғингиз билан бирга бўлинг. Бир-бирингиздан боҳабар бўлинг. Ишқилиб, болаларим, аҳил бўлинглар...

Раъно (*онасининг олдига бориб*). Ойижон, кечиринг, хайр, ойижон.

Хажал (*кесатиб*). Муродингга етдингми? Хайр.

Маҳмудов (*Раъононинг пешонасидан ўпиб*). Қизим оғирроқ бўл! Юзимизни ерга қаратма. Хайр. Оқ йўл болаларим.

Болалар бирин-кетин хайрлашиб, чиқиб кетадилар.

Хажал. (*Маҳмудовнинг олдига югуриб келиб, ғазаб билан*). Бошқа оталар ҳам сизга ўхшаганмикин?

Маҳмудов. Ҳаммани ўзингга ўхшата-берма, хотин! Кўзингни каттароқ оч, уят бўлади!

Хажал. Уят бўлади?! Тўғри гапни айтса, уят бўладими? Шуни яхши билиб қўйингки, агар қизимга бирон нарса бўлса, сочи-нгизни битталаб юламан!

Эри-хотин бир-бирига тикилганча қоладилар.

ИККИНЧИ КУРИНИШ

Дала шийлони. „Пахта-ўзбек халқининг ифтихори!“ деган шиор ёилган қызил алвои шийлон устунларига тортиб кўйилган. Шийлон орқасидан кенг пахта даласи кўриниб туради. Бир четда қаллакланган тут дарахти. Унинг остида катта тарози. Тутниң орқароғида, бугун терилган пахта хирмонининг бир чети кўринмоқда. Ҳажал билан Маҳмудов оғиз жанжаллашиб, саҳнага кириб келадилар.

Ҳажал. Қизимнинг шу аҳволга тушишига сиз сабабчисиз. Ноппа-нозандай сўзимга кириб қолаётган эди. Сиз келдингиз-у, ишни буздингиз. Мана, оқибати нима бўлди. Энди қандай бош кўтариб юраман. Мен нима деган одам бўлдим? Аввал ўзини бир кўрай. Ундан кейин сочингизни битталаб юлмасам, одам эмасман.

Маҳмудов. Бўлди! Овозингни ўчир! Йўқ, менинг кўнглим ишонмаяпти. Қани, менга хатни бер. (*Хатни олади, уни очик ўқийди.*) „Ойижон, сизни ўша аҳволда ташлаб келдим. Олдингизда қолмаганим учун кечиринг.“ Йўқ, бу унинг хати эмас!

Ҳажал. Менга беринг. (*Хатни эрининг қўлидан тортиб олади.*)

Маҳмудов. Ёзуви унинг ёзувига ўхшамайди!

Ҳажал. Ўхшамайди? Ҳм, қулоқ солинг (*ўқийди*). „Ойижон, сизни ўша аҳволда ташлаб келдим. Олдингизда қолмаганим учун кечиринг.“ (*Эрига қараб.*) Ўхшайдими? Ўша кунгини айтяпти. Ҳо, доғули! (*Ўқийди.*) „Ойижон, пахта теришда ҳеч кимдан орқада эмасман“. Биламан, ҳамма нарсада олдиндасан! (*Ўқийди.*) „Ойижон, уйда сизга айтгани уял-

ган эдим“. Ҳо, уятни биладиган одам-еъй, Ҳатга ёзгани уялмайдилар! (*Ўқийди.*) „Ҳалиги... „нуқт, нуқт, нуқтаси нима бўлди? (*Ўқийди.*) „Ойижон, ўзингиз тушунасиз-ку!“ Ҳаммасини тушунаман. (*Эрига.*) Эшитдингиз-а?!“

Маҳмудов. Уф...

Ҳажал. Мана гумоним тўғри чиқдими? Мана, бу ёғини ўқинг. (*Ҳатни эрига узатади.*) Ёзуви ёзувига ўхшамас экан-а?

Маҳмудов (*хатни олиб ўқийди*). „Ўзим ҳам яхши ният билан пул йиғяпман. Куёвингиз билан биргамиз“.

Ҳажал. Ҳай, қайната, куёв муборак!

Маҳмудов бир ўқрайиб хотинига қарайди.

Менга ўқрайгандан кўра, у ёғини ўқинг!

Маҳмудов (*ўқийди*). „Яқин кунда бориб қолсак керак. Колхоз планини бажариш олдида. Куёвингиздан ҳам салом. Салом билан гуноҳкор қизингиз.“

Ҳажал. Йўқ, бунга чидаёлмайман. (*Қичқириб.*) Қадам ташлаши бежо кўринганди. Мулойим бўлиб қолганидан гумоним бор эди. „Лайло“ сидан гумоним бор эди. Ҳай, дадаси, ўша бўлса-я! Оҳ, бунга асло чидаёлмайман.

Маҳмудов. Йўқ, бу унинг қўли эмас. У бунақа хатни мутлақо ёзмайди!

Ҳажал. Шунча қилғиликдан кейин, қанақа қилиб ўзи ёсси? Қулига чечак чиққан, чечак! Ўзи ёзишга бети чидамасдан, ўртогига ёздирган.

Маҳмудов. Хатдаги гаплар тўғри чиқса, ундаи қизни... Йўқ-йўқ, кўнглим сира ишонмайди.

Х а ж а л. Ўз кўзингиз билан кўрганингизда ҳам ишонманг, ҳа, ишонманг!
Маҳмудов. Кўп бақирма, бўлди! Олдин ўзини топайлик-чи?
Х а ж а л. Қани юринг, топайлик.

Чиқиб кетадилар.

Бошқа томондан қанор қоп тўла пахта кўтариб Шуҳрат киради. Паҳтасини тарози олдига қўйиб, фўзалар орасига кириб кетади. Унинг орасидан чиққан Раъно, Шуҳратни кузата бошлади. Иккунчи томондан чиққан Зулфия олдин Раънога, сўнг Раъно қараётган томонга қарайди. Фўзалар орасига кириб кетаётган эрини кўради.

З у л ф и я. Ҳа, Раънохон? Нимага аланглажапсиз!!

Р а Ҷ н о. Йўқ, ўзим.

З у л ф и я. Рангингиз ўчиб кетибди, тобингиз йўқми?

Р а Ҷ н о. Йўқ.

З у л ф и я. Намунча у ёққа тикиласиз? Менга қаранг. (*Раънони ўзига қаратиб, кўзларига тикилади*.) Нега титрайсиз?

Р а Ҷ н о. Вой, сизга нима бўлди?

З у л ф и я. Менга?.. Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Ўзингизга нима бўлди?

Р а Ҷ н о (куйиб-пишиб). Устига катта кесакни бостириб қўйган эдим-а, йўқ.

З у л ф и я. Нима йўқ?

Р а Ҷ н о. Бўлмагандан ўн беш кило чиқар эди.

З у л ф и я. Ўн беш кило?

Р а Ҷ н о. Ўқариқнинг ўнг ёнига қўйиб кетган эдим. Йўқ. Паҳтам йўқ.

Ғўзларнинг орасида енг шимариб, бошини боғлаб олган Қаҳрамон кўринади. У, чаноқлардаги паҳталарни териб олади. Сўнг белларни силаган бўлиб, қизларни кузатади.

З у л ф и я. Ҳм, паҳта денг? Ким олади, тургандир.

Қаҳрамон киради.

Қаҳрамон. Нима гап, қизлар?

З у л ф и я. Раънонинг паҳтаси йўқ эмис.

Қаҳрамон (*бошини қашиб*). Ия, яна боплаб кетишибдими?

Р а Ҷ н о. Виждонсиз, ноинсоф!

Қаҳрамон. Ажойиб гапларни гапирасиз, Раънохон. Ерда мана мен, деб ётган паҳтани жонгинаси кириб олган-қўйган-да.

Р а Ҷ н о. Ким олиши мумкин?

Қаҳрамон. Олган одам, мана мен олдим, дейдими?

З у л ф и я (Раънога). Бежирим, чиройли қизсиз. Битта-яримтага ёқиб қолган бўлсангиз, тегажаклик қилиб олгандир-да.

Қаҳрамон (*кулиб*). Орамизда унақа одамлар йўқ, дейсизми?

Р а Ҷ н о. Нима? Шу билан нима демоқчисиз?

Қаҳрамон. Раънохоннинг паҳталарини бегона киши олмайди. Ўзимизнинг ичимиздан, билиб-кўриб юрган одам олган демоқчиман, холос.

Р а Ҷ н о. Наҳотки, ўзимизнинг студентлар олган бўлса-я?

Қаҳрамон. Билса ҳазил, билмаса чинда. (*Кулади*.)

Р а Ҷ н о. Менинг ҳазилкашим йўқ.

Қаҳрамон. Ўша томонда сиз билан бирга ким терган эди?

Зулфия. Шуҳрат акам билан мен. Демак, сизнингча, биз олган эканмиз-да!

Қаҳрамони. Билмадим. Ҳарқалай ер ютиб юбормагандир-ку!

Зулфия. Кимдан гумонсираяпсиз?

Қаҳрамон. Ақлли одам ўзи билади. Катталар мени мақтасин, ҳамманинг ичидаги обру қозонай, қизларга яхши кўринай деганлардан биронтаси олгандир, деяпман-да!

Раъно. Шуҳрат акам унақа эмас. Бироннинг паҳтасига кўз олайтирумайди.

Қаҳрамон. Мен ҳам шундай деяпман-ку, Раънохон!

Раъно. Комсомолнинг юбилейига атаб ёшлар ҳафтаси ўтказишни ким таклиф қилди? Шуҳрат акам. Комсомоллар ўртасида социалистик мусобақани бошлиб юборган ким? Теримда икки юз йигирмачилар ташаббусининг ташкилотчиси ким? Шуҳрат акам. У киши олиши мумкин эмас. У кишига туҳмат қилманг.

Қаҳрамон. Раънохон, шу сўзлар ўз дилингиздан чиқкан сўзми? Ёки биронта пъесадан ёдлаб олган сўзингизми?

Зулфия. Раънохон, менга қаранг! (*Раънога тикилиб.*) Шуҳрат акам!.. Ҳм, тўғри айтдингиз, Шурҳат акангиз, пок йигит. Шунинг учун ҳам, унинг номини қизлар ҳадеб тилга оладилар. Кўп шов-шув кўтарманг! Паҳтангиз топилади.

Раъно (ҳайрон). Зулфияхон опа, мен...

Зулфия. Биламан. Сиз ақлли қизсиз. Ҳар гапни ўйлаб гапирасиз. Ҳар кимдан гумонсирамайсиз. Жуда бежирим, жуда жажжи қизсиз,

Қаҳрамон. Гаңга жуда чечансиз-да, Зулфия опа. Сўзларингиз худди Раънохондай бежирим-а!

Зулфия (Қаҳрамонга). Боринг! Шуҳрат акангизни айтиб келинг.

Қаҳрамон. Нега? Нима учун?

Зулфия. Раънохон, шу ерда туринг, ўзим айтиб келаман.

Кетмоқчи бўлади, уни Қаҳрамон тўхтатади.

Қаҳрамон. Зулфия опа, ҳозир, ҳозир...

Қаҳрамон кетади.

Зулфия. Раънохон, сиз, Зоя, Лиза Чайкина, Олег Кошевой, Абдулла Набиев тўғрисидаги китобларни ўқигансиз-а?

Раъно (ҳайрон). Ҳа, улар ажойиб қаҳрамонлар! Нима эди?

Зулфия. Улар ҳам сиз, бизга ўхшаган оддий одамлар бўлганини биласизми? Улар ўртоқлари билан жуда аҳил бўлишган. Чин дўст бўлишган.

Раъно. Гапингизга тушунмаяпман, Зулфияхон опа.

Зулфия (Раънога яқинлашиб, жиiddий). Раънохон, мен уни ўзимдан ҳам ортиқ севаман. Шунинг учун ҳам унга турмушга чиқдим.

Раъно. Зулфияхон опа...

Зулфия. Шошманг, эшитинг. Мен эски урфи одат бўйича турмушга чиқмаганим учун онам рози бўлмади. Ҳатто бизни гапсўз қилишди. Мен ҳаммасига чидадим. Мен эрининг кетидан пойлаб юрувчиларни ёмон кўраман. Эри-хотинликни „эр-хотин“ эмас,

чин дўст деб тушунганиман. Бизнинг севгимиз, бизнинг бир-биримизга бўлган ҳурматимиз абадий қолади, деб ўйлаганиман. Шунинг учун ҳам кўнглимидан гумон заррача ҳам ўрин олмайди. Биз шунга аҳд қилганимиз. Лекин Раънохон, ёшлик — бебошлик дейдилар...

Бир этак пахтани кўтариб Шуҳрат киради.

Шуҳрат. Ҳа, қизлар, ҳорманглар. (*Пахтасини тарози олдига қўяди*.) Кечагига қараганда, бир ярим ҳисса ошиқ. Сизлар ҳам сўз берган эдингиз. Ҳаракатингизнинг мазаси йўқ-ку! Нега қовоқ-димоқларингиз осилиб қолди? Зулфияхон, сизга нима бўлди?

Зулфия. Ўзингизни гўлликка солманг.

Шуҳрат. Бугун чап ёнингиз билан турдингизми? Очикроқ айтинг. Нима гуноҳ қилган эканман. А, энди эсимга тушди. Ер тагида илон қимирласа биласиз-да. Ким айтди?

Зулфия. Кўзингиздан кўриб турибман.

Шуҳрат. Кечиринг. Айб менда. Иккаплангизнинг хатингизни олгандан кейин, дарров ташлаб кела қолай деб югуриб қолдим. Ариқдан сакраб ўтган эдим, чўнтақдаги хатлар сувга тушиб кетди. Уларни олгунимча конверти ивиб, хатлари ёйилиб кетди. Ўшакуни юборолмадим. Хатларингизни ўтган куни юбордим.

Зулфия. Шунақами?

Шуҳрат. Рост, хатингизни ўша куни юборолмаганим учун кечиринг.

Зулфия Шуҳрат қўлидаги бир этак пахтани зарда билан тортиб олиб, Раъно олдига олиб келади. Шуҳрат ҳайрон.

Зулфия. Манг! Етмаса, анави қопдагидан ҳам олинг.

Шуҳрат. Зулфияхон, ўзи нима гап?

Раъно. Мен сизлардан гумонсираганим йўқ-ку!

Зулфия. Олинг, ўзингизнинг пахтангиз.

Шуҳрат (ҳайрон). Ўзингизнинг пахтангиз?! Нима бўлди? Ҳеч тушунмаяпман.

Зулфия. Эсингиз жойига келганда, тушуниб қоларсиз. (*Шартта ғўзалар орасига кириб кетади*.)

Шуҳрат. Э, тавба. Нима гап?

Раъно жавоб бермайди.

Зулфияхон, Зулфияхон, тўхтанг. Ҳай, Зулфияхон...

Зулфиянинг кетидан кетади.

Раъно пахтанинг устига ўтириб йиғлай бошлайди. Пахтазорда Қаҳрамон кўринади. У терган пахтасини кўтариб шийпон олдига келади. Аста-секин этакдаги пахтани шийпон ёнига қўйиб, оёқ учida Раънонинг орқасидаги қанор қоплар панасиға ўгади. Ердан узун новдан олиб, унинг учини Раънонинг бўйнига тегизади. Раъно новда учини пашша деб ўйлаб, қўлини силятаб, ҳайдайди. Ундан завклантган Қаҳрамон яна ўйнаша бошлайди. Ниҳоят, Раъно уни сезиб қолади. Қаҳрамон Раънони овитиш учун ланар айтиб, ўйинга тушади.

Қаҳрамон.

Ўйинга тушган укамни нози чиройлик.

Ўиг бетига ярашган холи чиройлик.

Ўиг бетига ярашган холи бўлсан-чи.

Қоматига ярашсан ёри бўлсан-чи.

Маҳмудов билан Ҳажал кириб келадилар.

Ҳажал. Вой ўлий, бу нимаси дадаси?

Маҳмудов. Жим!

Ҳажал. Бу бошқаси-ку!

Маҳмудов. Бас-э!

Хажал. Тўйма-тўй кезиб юрадиган яллачи артистларнинг ашуласини айтяпти-ку!

Маҳмудов. Ҳой, хотин, жон хотин, барака топкур хотин, бир оз жим тургин!

Қаҳрамон (Раънога). Қўйинг, кўп хафа бўлаверманг. Йўқолган пахтангизни топиб берсак бўлдими?

Жим ўтирган Раънога парвона бўлиб, ўзича шеър тўқиди.

Сочлари қўнғироқ дона-донадан,
Билмадим яралди қайси онадан?
Бўлса эди, шу она, ўпсам қўлидан,
Айланиб, ўргилиб, берган гулидан.

Раънони қуҷоқламоқчи бўлади.

Хажал. Вой, беандиша...

Раъно Қаҳрамоннинг юзига бир тарсаки туширади.

Қаҳрамон. Вой...

Раъно. Аблаҳ!

Қаҳрамон. Раҳмат.

Хажал. Вой ўлмасам.

Раъно юрганича ғўзалар орасига кириб кетади. Қаҳрамон юзини ушлаганича чиқиб кетади. Бирбирига қараб ҳанг-манг бўлиб қолган **Хажал** билан **Маҳмудов** Раънонинг қаёққа кетганини билмай қоладилар.

Хажал. Хотинлар ўлгур бир балони билмаса, гапирмайди. Кўрдингизми?

Маҳмудов. Кўрдим.

Хажал. Ассалому алайкум, энди нима дейсиз?

Маҳмудов. Боплади. Шундай бўлиши керак. Бўлмагур гапларингни қўй энди, она-

си. Миямни қоқиб қўлимга бердинг! Бўлди-э! **Бас қил!**

Хажал. Нима десам, сизга бўлмагур гап бўлаверади. Биз чаласавод, биз орқада қолган, биз болаларга тарбия беришни билмайдиган одам. Ҳой, менинг гапим қачон сизга тўғри бўлади? Ўгил бола билан ҳиринглашиб туриш тўғри тарбия бўладиган бўлса, бунаقا тарбияни уйи кўйсин-э! Ҳалиги шилқим бола қизингизнинг кетидан қолмай юриди-ку. (*Пахтазорни кўрсатиб.*) Қаранг, ғўзаларнинг ичига кириб кетганидан кейин ким кўриб ўтирибди. Ҳой, отаси, қизингизнинг хатда ёзган эри, тагин шу бўлмасин?

Маҳмудов. Йўғ-э!

Хажал. Йўғ, ўшанинг ўзи. Тарбия, тарбия дейсиз, мана, ҳалитдан ит-мушук бўлишибди-ку!

Маҳмудов. Ҳай хотин оғзингдан нима чиқаётганини биласанми?

Хажал. Тавба, ўз кўзингиз билан кўриб туриб ҳам ишонмаяпсиз-а! Майли, ишонманг. Бошингиз тақ этиб деворга текканда ишонасиз. Ҳай, дадаси, биттаю-битта қизингиз-а?

Ўзига-ўз гапириб **Ҳусан** ота келади.

Ҳусан ота. Боласи қурмагурлар, ҳаммани ташвишга солиб қўйди. Эҳ, болалар, болалар...

Маҳмудов. Ассалому алайкум, ота.

Ҳусан ота. Ваалайкум ассалом, буни қаранг, бошлиқлари ҳам уларнинг кетида овора.

Эри-хотин ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарайдилар.

Маҳмудов. Ота, ўзи нима гап?

Хусан ота. Шаҳардан келган ҳашарчи-
ларнинг ғалваси-да, болам.

Хажал. Қанақа ғалва, ота?

Хусан ота. Бир йигит билан бир қиз
бир-бирларига кўнгил қўйиб, турмуш қуриш-
ган экан. Ўша қизни яна бир бола яхши кў-
рар экан. Шу бола, қизга тегажақлик қилади.
Ёшлиқ-да, ёшлиқ. Ўзингизнинг ҳам бошингиз-
дан ўтгандир-ку! Қиз, ҳалиги болани боплаб
бир тарсаки уради.

Эри-хотин бир-бирларига маънодор қараб қўядилар.
Бу воқиадан куёв хабардор бўлиб қолади.
Қўйинг-чи, жанжал бўлади.

Хажал. Вой, отаси...

Маҳмудов. Жим. (*Хусан отага.*) ун-
дан кейин, отажон?

Хусан ота. Бу ҳодисадан бошлиқлари
ҳам хабардор бўлади.

Хажал. Вой ўлмасам, бошлиқлари эшит-
ган бўлса, тоза шарманда бўпти-ку!

Маҳмудов. Бўлди-е! (*Хусан отага.*)
Хўш-хўш?

Хусан ота. Бошлиғи жуда ақлли, боо-
добр одам-де. Бир қарашда, ким айбдор дар-
ров билиб олади. Қиз билан йигитнинг шундай
исканжага олдики, улар қилмишига минг-
минг пушаймон еди. Лекин, куёв жуда то-
пилмайдиган, мулойим, қобил бола экан. Уни
кўрсангиз, ҳавасингиз келади.

Хажал. Дадаси, бу ўша!

Хусан ота. А, лаббай? Ҳа, ўша. Терим-
дан қайтгандан кейин катта тўй қилиш-
моқчи. Ия, ана-ана. (*Ғўза томонга қараб.*)
Ният ҳолис-да! Қаранг, ўша, куёв болани ўзи

келяпти. (*Тарози томон кетади.*) Барака
топсин, ёмон бола эмас.

Хажал (*ўша томонга қараб*). Ҳой, да-
даси, лай-лоломи? Ҳа-ҳа. Лай-ла-ло! (*Маҳ-
мудовга дўқ уриб.*) Энди ҳам ишонмайсизми?
Маҳмудов (*ўзича*). Тушимми-ўнгимми?
Наҳотки, шундай бўлса?

Пахта кўтариб Шуҳрат киради.

Шуҳрат. Салом алайкум. Э, келинглар.
Келганингиз жуда яхши бўпти-да. Ҳа, Раъ-
нохон, ҳозир келяптилар.

Хажал. Ҳай, номард, бу нима қилганинг?
Яхшилаб қараганинг шуми? (*Шуҳратга
ташланади.*) Лай-ло-лайнингдан ҳам билган
эдим. Қандай бетинг чидади?!

Маҳмудов. Мен сени ҳеч шунаقا деб
ўйламаган эдим.

Шуҳрат ҳанг-манг бўлиб, дам Маҳмудовга, дам Хажал
опага қарайди. Хусан ота келади.

Хусан ота. Нима гап ўзи? Э, Тавба...

Хажал. Нега ўзингни гўлликка солиб
бўзраясан? Жавоб бер! Қизимни шу мақсадда
олиб келганимидинг?

Шуҳрат. Нима деяпсиз, хола? Нима
қилибман?

Хажал. Дадаси, ўзини гўлликка соли-
шига қаранг. Бу мингаймасда кўп гап бор.

Пахта кўтариб Зулфия киради.

Ҳой, содда муғомбир. Ёш қизларни йул
дан ургани уялмадингми? Мен сени тиич
қўймайман. Билиб қўй, қўлимдан осонликчи
қутулмайсан. Мен сени судга бераман.

Маҳмудов. Мен буни ақлли ва одобли бола деб ўйлаган эдим. Диёнат борми, но-муссиз, бола?

Шуҳрат (*жиддий*). Амаки, тилингизга бунчалик эрк берманг.

Маҳмудов. Нима-нима! Уят, ҳайф сен-га, беандиша!

Зулфия, Нима қилди? Ўзи нима гап?

Маҳмудов. Бунинг ота-онаси билан гаплашиш керак.

Хажал. Боласи шундай бўлгандан кейин, бунга тарбия берган ота-онаси нима бўларди.

Шуҳрат. Оғзингизга қараб гапиринг, мени гуноҳим нима?

Ҳусан ота. Ҳой, меҳмонлар, бечоранинг гуноҳи нима? Нима қилибди? Биз ҳам эшитайлик.

Хажал. Оҳ, нимасини айтай. Қизим унақа бола эмас эди-я! Ўнинг атрофида қизиқчилик қилди, ашула айтди, ўйинга тушди, қўйингчи, қизимнинг бошини айлантириб, йўлдан урди.

Ҳусан ота. Шу бола-я?

Хажал. Ҳа, шу! Мен буни лалалосидан-о билган эдим.

Зулфия. Раъони? Қандай? Қачон?

Хажал. Ана, ўзидан сўранг! (*Шуҳратни кўрсатиб*.) Қанақа найранглар қилганини ўзи айтиб берсин!

Шуҳрат. Мен? Раъони? Ҳай, у нима деганингиз хола?

Зулфия (*Шуҳратнинг олдига бориб унинг кўзига тикилади*). Нега Раъно сизнинг ёнингизни олиб қолди десам, гап бу ёқда экан-да.

Шуҳрат. Зулфияхон, у нима деганийнгиз? Менда ҳам, Раънода ҳам, ҳеч қандай гуноҳ йўқ.

Маҳмудов. Нима?!

Хажал. Вой ўлмасам, энди тоняпти-ку!

Маҳмудов. Ҳм... (*Кўксини ушлаб ўтириб қолади*.)

Зулфия (*Шуҳратга*) Раънохоннинг пахтасини олганингиз ростми? Тегажаклик қилиб олдим денг?

Шуҳрат. Бу энди ортиқча. Буни сиздан кутмаган эдим.

Зулфия. Сизнинг қилиқларингиз ҳам менга ортиқча. Мен ҳам сиздан буни кутмаган эдим.

Шуҳрат. Зулфияхон!

Зулфия. Гапирманг! (*Йиглаб*.) Бундан ортиқ шармандалик бўлмайди.

Маҳмудов (*ўзича*). Ҳм, юзсизлик...

Шуҳрат. Зулфияхон, ишонинг. Раънохон менинг бир синглим қатори. Мен у билан ёмон ниятда сўйлашганим йўқ.

Хажал. Бола кўрай деяпти-ку, тағин тилёғламалик қиласи-я! Вой мугомбир-э.

Шуҳрат (*Зулфияга*). Чин комсомоллик сўзим. Мен фақат сизни севаман.

Хажал. Вой дадаси, гапларини эшитяпсизми? Раъно қолиб, энди бошқасига ёпишяпти-ку!

Маҳмудов. Эшитишни истамайман, бўлди. Бундай фарзанднинг боридан йўғи яхши!

Раъно киради.

Раъно. Ойижон, дада!..

Ҳамманинг диққати Раънода. Маҳмудов ва Ҳажал газаб билан Раънога қарайдилар. Жимлик. Раъно ҳайрон.

Ассалому алайкум.

Ҳажал. Ҳай, мен сени шу умидда катта қилғанмидим?

Маҳмудов. Мен сени жамоатга фойдали бир иш қиласан деб пахтага юборган эдим. Сен менинг юзимни ерга қаратдинг.

Ҳажал. Малоҳатхон опам айтган йигитнинг мана бу лай-ло-лодан ўлса ўлиги ортиқ эди-ку! Ҳой, тағин, танлаб-танлаб топганинг хотинли одам бўлдими? Кундошлик азобини тотиб кўрмоқчимисан?

Раъно. Нима деяпсизлар?

Ҳажал. Ота-онанг тирик эди-ку!

Раънонинг олдига бориб юзига бир тарсаки уради.

Раъно. Ойижон!

Ҳажал. Онанг йўқ!

Раъно икки қўли билан бетини беркитиб олади.

Ҳусан ота. Янга, қизчани ноўрин хафа қилияпсиз. Гапларингизга боятдан бери разм солиб турдим. Қизчада гуноҳ йўқ. Уни бекордан-бекорга хафа қилдингиз!

Ҳажал. Бояги жанжал қилган куёв боллангиз шуми? Мана шуми?!

Ҳусан ота. Йўқ, янга, узоқдан кўзимга ўшанга ўхшаб кўринибди. Унинг оти Асрор бўлса керак.

Ҳажал. Биламан, жанжалдан безор бўлганингиз учун ҳам у эмас деяпсиз.

Ҳусан ота. Янга, инонинг, у бола эмас. Бунинг оти Шуҳрат. Болаларда гуноҳ йўқ.

Ҳажал. Нега гуноҳ йўқ бўлади? Мен ичимдан ўйлаб чиқарибман-да бўлмасам? Хўп, майли, мана бунга нима дейсиз? (*Конвертни кўрсатади.*) Дадаси, нега индамайсиз. Сиз ҳам гапиринг!

Маҳмудов. Билмай, гафлатда қолдик. Эҳ аттанг!

Ҳажал (*хатни чолги беради.*) Үқинг. Тепа соchlарингиз тикка бўлиб кетади.

Ҳусан ота (*ўқийди*). „Ойижон, сизни ўша аҳволда ташлаб келдим. Олдингизда қолмаганим учун кечиринг“.

Ҳажал. (*Раънога*). Қайси бетинг билан шу хатни ёздинг?

Раъно. Хат?!

Ҳусан ота (*ўқийди*). „Тузалиб кетганингизни эшишиб жуда хурсанд бўлдим“.

Раъно. Мен бунаقا хат ёзганим йўғидику!

Ҳажал. Пастроғини үқинг, пастроғини.

Ҳусан ота (*ўқийди*). „Уйда сизга айтгани уялган эдим“.

Зулфия Шуҳратга қарайди.

Ҳажал. Ундан ҳам пастроғини!

Ҳусан ота (*ўқийди*). Үзим ҳам яхши ният билан пул йигяпман. Куёвингиз билан биргамиз“.

Зулфия бирдан кулиб юборади, ҳамма унга ҳайрон бўлиб қарайдилар.

Зулфия. Менинг хатим-ку!

Маҳмудов. Нима?!

Ҳажал. Нима дедингиз?

Зулфия. Менга беринг. (*Хатни олиб күради.*) Ҳа, менинг хатим. Ойимга ёзган хатим. Қизиқ, бу сизнинг қўлингизга қандай қилиб тушиб қолди?

Шуҳрат. Э... Шошманлар. (*Конверти кўриб.*) Хатлар ариққа тушиб кетгандан кейин конвертлар ивиб, хатлари ўчиб кетган эди. Янги конверт олиб, хатларни солғанда адаш бўлиб кетган экан-да.

Қаҳрамон (*бир этак пахта бошида шошганча кириб*). Раънохон, Раънохон. Топилди. Мана.

Ҳамма унга қарайди.

Йўқолган пахтангиз топилди.

Зулфия. Ким олган экан?

Қаҳрамон. Тегажақлик қилиб юрган бир студент.

Хажал. Нима?

Қаҳрамон. Ҳа, холажон.

Шуҳрат. Ким у?

Қаҳрамон. Ким бўларди? Ким пахтани олиб келса, ўша-да!

Маҳмудов. Сенми?

Қаҳрамон кулиб ерга қарайди.

Ҳусан ота (*кулиб*). Ажойиб болалар. Бизда ёмон одат бор. Бир қиз билан бир бола гаплашиб турганини кўриб қолсак, дарров гумонсираб, гап-сўз қиласиз. Шу билан болаларнинг хаёлига келмаган фикрларни ўзимиз эсларига тушириб қўямиз.

Маҳмудов (*хотинига*). Эшиятсанми?!

Хажал. Сиз ҳам эшитсангиз ёмон бўлмайди, ладаси.

Маҳмудов (*Раънонинг ёнига бориб*). Юзимизни ерга қаратмаслигингни илгаридан билган эдим. Шундай бўлиши керак, опоқ қизим. Тўгрими онаси?

Хажал. Онасининг қизи-да! Менинг тарбиямни олган қиз, ёмон бола бўлмайди. (*Раънони қучоқлаб пешонасидан ўпади.*)

Ҳусан ота. Ҳм, гумон.

Маҳмудов. Менга гапирдингизми?

Ҳусан ота. Қаранг.

Шийпонга осиглиқ алвонни кўрсатади, ҳамма ўшанга қарайди.

Хажал. Яна бирор нима бўлдими?

Ҳусан ота. Ана, шундай табаррук-азиз жойда ишловчиларга гумон билан қаралгани қизиқ. Э, тавба. Пахта ҳалқимизнинг ифтихори дейдилар. Дарҳақиқат шундай. Ана шу пахта териш каби катта маъракага қатнашган одамлар асло зоелик тортмайди. Мана бу азаматлар, астойдил бел боғлаб, ана шу маъракага қатнашяптилар. Шунинг учун ҳам планларини ошиғи билан бажариб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўладилар. (*Хажал билан Маҳмудовга*.) Сизлар булардан ҳавотир олмасангиз ҳам бўлади. Буларга ҳар бир колхозчи ота-она, мактаб муаллимлари ота-она, қўйинг-чи, ҳамма жамоат буларга ота-она! Фақат сизлардан илтимос: гумон қилманг! (*Томошабинга*.) Сизлардан ҳам сўраймиз! Қани энди, ҳамма далага, теримга!

Парда